

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

470 «**Табий монополиялар тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2010 йил 2 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2010 йил 3 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «**Табий монополиялар тўғрисида**»ги 398–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган 815–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 212-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 591-модда) **4-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«темир йўллар инфратузилмасидан фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда темир йўлларда ташиш».

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 15 декабрда эълон қилинган.

50 (446)-сон

— 5 —

470-471-моддалар

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга
киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 14 декабрь,
ЎРҚ–266-сон